

Elim deb, yurtim deb уониб yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 6-noyabr, chorshanba
№ 85 (15723)



Медиа ТРЕНИНГ – БИРИНЧИ ДАДИЛ ҚАДАМ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-кувватлаши жамоат фонди ҳамкорлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати матбуот хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириши» мавзууда медиа тренинг ташкил этилди.

Мазкур лойиҳа Ҳаракатнинг мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг ёритишида оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш, ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя килиш ва холис ахборот билан таъминлаш, шу мақсадда янги медиа лойиҳаларни ишлаб чиқишига қаратилган дастлабки ийрик ташаббуси ҳисобланади. Медиа тренингда «Камолот» ЁИХ тизимида фаолият кўрсатадиган матбуот хизматлари раҳбарлари ҳамда ёшлар масалаларини ёритувчи журналистлар иштирок этди. Улар илк маротаба бевосита учрашиб, уч кун давомида ўз соҳаларидаги илғор тажрибалар билан танишиб, ўзаро фикр ва тажриба алмасиди.

Хозирги кунда «Камолот» ЁИХ муассислиги ва ҳаммуассислигига ўнга яқин газета ва журналлар чоп этилмоқда. Ҳаракат тасарруфида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ҳам ташкил этилган. Жорий йилда ёшлар ташкилотининг интернетдаги www.kamolot.uz вебсайти янги форматга ўтказилиб, ёшлар портали сифатида иш бошлади. Шу билан бирга, яқинда Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши қошида «Ёшлар медиа маркази», худудий кенгашлар қошида эса матбуот хизматлари фаолияти йўлга кўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай ўзгаришлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таркибида яхлит медиа тузилма шаклланганидан далолат беради. Боз устига, эндилика Ҳаракат замонавий медиа маконда ўз ресурсларини кўпайтирибни қолмай, матбуот, телевидение, радио ва интернет йўналишларида медиа маҳсулотларни яратиш ва узатиш учун барча имкониятларга эга. Аммо бу айтишга осон гаплар, холос. Аслида эса ахборотнинг курдати ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ намоён бўлаётган хозирги шароитда турли хавф ва таъсирлардан холи, соғлом ва рақобатбардош ахборот мухитини яратиш оғизда бажариладиган иш эмас.

(Давоми 4-, 5-сахифаларда)

Камма йўл бошидаман

Ўтган ҳафта Тошкент вилоятидаги «Дўрмон» ижод уйида ёш ижодкорларнинг «Истеъдод мактаби» В республика семинари бўлиб ўтди. Унда мен ҳам қатнашдим. Учрашувдан олам-олам таассуротлар билан қайтдим. Адабиёт оламига илк қадамлари билан кириб келаётган тенгдошларимнинг ижодга муносабати, интилишларини кўриб суюндим.

Дарҳақиқат, семинар давомида шунга амин бўлдимки, юртимизда ҳар бир инсоннинг қизиқиши, қобилияти кўллаб-кувватланмоқда, ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятлари юксалиши учун барча шароитлар, имкониятлар муҳайёе.

Семинарда бадиий публицистика йўналиши бўйича иштирок этиб, ижодкор масъулияти қанчалар улуғ эканини ҳис қилдим.

Андижон вилоятининг Хўжабод туманида туғилганман. Тумандаги 1-мактабда таълим олдим. Она тили ва адабиёт ўқитувчимиз Шоҳида опа Саматова мени адабиётга, ижодга қизиқтириди. Илк машҳуларим — шеър ва мақолаларим туман, кейинчалик вилоят, республика матбуотида чоп этила бошланди. Бу эътибор, эъти-

роф менга қанот бағишилади. Ижодга бўлган меҳр, масъулият мени янада кўпроқ излашишга, ўз устимда ишлашга унади. Ун олти ёшимда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим.

Бизнинг оиласда шундай анъана бор: фарзандлар болалигидан хунар ўрганадилар. Кичиклигимдан онажоним кўлимга кўркмасдан нина тутқазганлар. Қиз бола учун бундай хунарнинг асло зиёни йўқ, деб, болалик шууримда қизиқишлишларимни шу таҳлит рабатлантирганлар. Вақтни тўғри сарфлашга ўргатишганки, деярли бўш вақтим бўлмасди. Тифиз кун тартиби ҳар лаҳзанинг қадрига етишини ўргатди. Дарсдан бўш пайтларимда матога кашта тикишни ўрганганим наф берди.

 Navqiron avlod so'zi

Сўзана ва чорси, рўмолчалар тикиб улғайдим — хунарли бўлдим. Туманимиздаги ўкувчилар ижодиёт марказида устозларимдан юмшоқ ўйинчоқлар тикишни ўргандим. Тасаввурларим бора-бора матоларга чизилган тасвирларда ҳам ўз аксини топди. Ижодий қизиқишлишларим тикаётган кашталаrimга ҳам, шеърий мисраларга ҳам кўди. Мактабда ўқиб юрган кезларим «Янги авлод», «Келажак овози» танловларининг вилоят босқичла-рида голиб бўлдим.

2010 йилда Хотин-қизлар кўмитаси ўтказган «Қалдирғоч» танловида иштирок этиб, «Энг яхши шеър» номинациясида биринчи ўринни олдим.

Айни пайтда инглиз, рус тилларидан таржималар қиляпман. Келгусида етук таржимон бўлиш ниятидаман.

**Юлдузой ЎРМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори,
ТошДТУ қошидаги
Олмазор компьютер
технологиялари академик
лицеи ўкувчиси**



Шарафли вазифага даҳлдорлик

Ватан тинчлиги ва осойишталигининг барқарорлиги шу юртда яшётган ҳар бир инсоннинг фаоллиги ва фидойилигига боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хузурида жамоатчилик кенгашининг ташкил этилгани бу борадаги ишларни мувофиқлашириш, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда айни муддао бўлди.

Қарорда мазкур кенгаш демократик ислоҳотларни янада чукурлашириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятинг очик-ошкоралигини, фуқароларнинг мудофаа соҳаси ҳамда ҳарбий йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини таъминлашга хизмат қилиши, ҳарбий хизматнинг нуғузини

ошириш, армия сафларида хизмат қилаётган ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиши алоҳида белгиланган. Муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу қарорнинг қабул қилинганинига, яъни Мудофаа вазирлиги хузуридаги жамоатчилик кенгashi ташкил этилганлиги бир йил тўлди. Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида «Фуқаролик назо-

рати механизмини шакллантириш, очиқлик ва ошкоралик» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

— Президентимиз ташаббуси билан Мудофаа вазирлиги хузурида жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши мамлакатимизда кечётган демократик жараёнларнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ҳалқ шоири, Мудофаа вазирлиги хузуридаги жамоатчилик кенгashi раиси Иқболжон Мирзалиев. — Мудофаа вазирлиги тизимида кечётган ислоҳотларнинг устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича дастлабки қадамни кўйдик. Илгари ота-оналар фарзандини армиядан олиб қолишга ҳаракат қиласди. Бугун эса таомомила тескариси. Армия ҳалқни, тинчликни ҳимоя қилаяп-

тими, унинг фаолияти билан кенг жамоатчилик хабардор бўлиб туриши керак. Кенгашимиз аъзолари турли соҳа вакилларидан иборат. Улар ўтган бир йил давомида ҳарбий қисм ва муассасаларда бўлиб, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва хизмат шароитлари билан яқиндан танишдилар. Жамоатчилик кенгashi ҳалқ билан армия ўртасидаги кўприк вазифасини ўтамоқда. Ўтган бир йил кенгаш аъзолари учун ушбу соҳага кириб бориш ва танишиш йили бўлди, деб айтишимиз мумкин.

Жамоатчилик кенгashi фаолияти фақат учрашув ёки тадбир ўтказишдан иборат эмас, улар бадиий кечалар, концерт дастурлари ва китоблар тақдимотларини, расмлар кўргазмаларини ҳам ташкил этиб келмоқда. Қолаверса, Жамоатчилик кенгashi ота-

оналар, умуман кенг жамоатчиликнинг юртимизда мудофаа ва ҳарбий хизмат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ўз фикрини айтадиган, мурожаат қилалигидан кенгаш бўлди.

Тадбир давомида Мудофаа вазири ўринбосари Нурмаҳмат Муллабоев, Олий Мажлис Конунчиллик палатаси Мудофаа ва хавфисизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев, Ўзбекистон журналистлар ижодий ўюнмаси раиси Шерзод Фуломов ва бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат Жамоатчилик кенгashi аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қилиниши зарур бўлган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

**Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**



Улар Термиз шаҳридаги Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида, Термиз давлат университети қошидаги 1-академик лицей ва Термиз шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўз маҳоратларини намойиш этиши.

— Танловнинг миллий чолгулар йўналиши бўйича қатнашиб, ғолиб бўлдим. Доира чалишни эса туманимиздаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабига қатнаб ўрганганман. Мақсадим — келажакда элга манзур бўладиган санъаткор бўлиб етишиш, — дейди Шўрчи туманидаги 44-мактаб ўқувчиси Авдували Олимжонов.

Танлов якунига кўра, ўн беш нафар истеъодод соҳиби ва бешта жамоа республика босқичида иштирок этиш учун тавсия қилинди. Уларга ташкилотчиларнинг фаҳрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири**

«Yangi avlod — 2013»

Муваффақият сари яна бир қадам

Шу кунларда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг худудий босқичлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу танловнинг Сурхондарё вилояти босқичида 417 нафар ёш истеъодод эгалари қатнаши.



Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди.



Энг муносиблар

Бу йилги танловга вилоят миқёсида 2956 та ариза қабул қилинган бўлса, иштирокчилардан 728 нафари вилоят босқичига етиб келди. Ёш иқтидор эгалари классика, вокал, миллий чолгу асбоблари, рақс, тасвирий ва амалий санъат, назм ва наср йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этди.

Энг яхши деб топилган истеъододли ўғил-қизлар танловнинг республика босқичига йўл олди.

**Мафтұна ЯКУБОВА,
«Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгашининг матбуот хизмати етакчи мутахассиси**



Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Оила тушунчаси — талаба ёшлар нигоҳида» мавзуида давра сухбати бўлиб ўтди.

Мустаҳкам қўрғон

Тадбир республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Чилонзор туман бўлимлари, Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳридаги З-никоҳ уйи, Шайхонтохур тумани марказий поликлиникаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда университет талабалари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Давра сухбатида оила барқарорлигининг жамиятага аҳамияти, эрта турмуш куришнинг салбий оқибатлари ва ёшларнинг оиласига бўлган муносабати тўғрисида фикр юритилди. Тадбир давомида мутахассислар томонидан ёшларга никоҳни расмийлашириш тартиби, бунинг учун талаб этилувчи ҳужжатлар, никоҳ олдидан тиббий кўрикдан ўтишининг аҳамияти, оила ҳамда маҳалла муносабатлари миллий совчилик анъаналари тўғрисида тушунча берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Азизбек АМОНОВ

Чилонзор туманида шахмат ва шашкага қизиқувчи ёшлар кўп. Уларнинг қизиқиши ва ташабbuslарини инобатга олган ҳолда «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур!» шиори остида шахмат ва шашка мусобақаси ташкил этилди.

Ёшлар ташабbusи амалда

Ҳаракатнинг Чилонзор тумани кенгashi ўтказган ушбу мусобақада олтмиш тўрт нафар ёш шахматчи ўзаро куч синашиди. 162-мактаб ўқувчиси Муслимбек Рамазонов шахмат бўйича биринчи ўринни эгаллаган бўлса, шашкада 178-мактаб ўқувчиси Мадина Бакировага муносиб рақиб топилмади.

— Мусобақада биринчи ўринни эгалай олмаган бўлсан-да, хафа эмасман. Чунки жорий йилнинг апрель-май ойларида ташкил этилган мусобақада биринчи ўринни қўлга киритган эдим. Бу сафар мендан-да кучлироқ тенгдошларим ҳам бор экан, — дейди 162-мактаб ўқувчиси Абдулатиф Юнусов.

Келгусида бундай мусобақаларни доимий ўтказиб боришга келишилди.

Баҳодир ЗИЁВИДДИНОВ

Ахборот технологиялари ва ёшлар

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Юқаск маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга.

Ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга хурмат руҳида тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлмоқда. Бунинг учун маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги оширилиб, «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари кенг тушунирилмоқда. Таълим муассасаларida замонавий компьютер технологиялари чукур ўргатилиб, уларнинг ZiyoNet тармоғи ҳамда миллий сайтилардан фойдаланиши таклиф этилаётir. Интернет-кафелар мутасаддиларига йигит-қизларинг миллатимизга ёт беҳаё сайтилар ва зўравонликни тарғиб қилувчи ўйинларнинг ёш авлод онгу шуурига мафкуравий тазиқ ўтказадиган тарли ўйинлар ўчогига ҳам айланмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, маънавий соғлом вояга етказиш ва ахолининг замонавий компьютер технологияларидан самарали фойдаланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган Миллий ахборот-коммуникация тизими ни янада ривожлантириш чоратадириларига оид қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда мухим дастурлиламал бўлиб хизмат қилаётir. — Кўпчилик ота-оналар глобаллашув даврининг маҳсули бўлган интернет-кафеларни кўз олдига келтирганда, замо-

навий компьютер технологиялари ва тезкор ахборот алмашувини тасаввур этишга кўнишиб қолди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдулла Тўрабоев. Лекин айrim ўқувчиларнинг дарсларни суст ўзлаштираётганига уларнинг турли компьютер хоналари ёки интернет-кафеларда кўпроқ вақт ўтказадигани таъсир қилмаяптими? Албатта, бундай ёшларни аввало отона назорат қилиб, компьютердаги зўравонлик ва бошқа иллатларни ўз ичига олган сайтилар боланинг мурғак тафкуруни чалғитиб қўйишини атрофлича тушунириб бориши лозим.

Компьютер хизматлари кенг ривожланаётган бир пайтда ёшларнинг интернет-кафелардан тўғри фойдаланишини таъминлаш, уларнинг беҳаё сайтилар ёки турли ўйинлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ота-оналар ва ўқитувчilar зиммасига масъулиятли вазифа юклэётir. Ўқувчilar, талабалар учун умумтаълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўкув юртлари компьютерлар билан жиҳозланиб, мамлакатимизда-

ги миллий сайтларга боғланмоқда. Замонавий ахборот-ресурс марказлари электрон дарслерни билан бойитилаётir.

— Тубдан янгиланаётган таълим муассасамизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш учун барча шароит бор, — дейди Термиз давлат университети табиат-география факультети талабаси Рўзимурод Бўронов. — Ахборот-ресурс маркази фанларга оид электрон дарслерни билан таъминланган. Кутубхонада турли бадиий китоблар, дарслерни мавжуд. Машғулотларга тайёргарлик кўриш учун шу ерда яратилаётган қулагилардан фойдаланаман.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти худуди бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, воҳада фаолият юритаётган маҳсус лицензияга эга ўн бешта интернет-кафе хизматидан асосан ёшлар фойдаланмоқда. Бу ерга келган йигит-қизлар узоқ-яқиндаги дўстлари билан хат ёзишиади. Он-лайн усулида сухбат қила-

ди. Тизимдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиб, ўкув машғулотларига тайёргарлик кўради. Баъзан компьютерни очиб, ўйин излайдиган ёшлар ҳам топилади, албатта. Компьютерлардан зўравонликни тарғиб қилувчи ўйинлар олиб ташланган. Беҳаё сайтиларга кишининг олдини оладиган маҳсус дастур билан таъминланган.

— Замонавий компьютер технологияларидан тўғри мақсадда фойдаланиш дарсларни яхши ўзлаштиришга кўмаклашади, — дейди Термиз иқтиодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Муҳриддин Нурманов. — Чунки дарсларга оид маълумотларни интернетдан излаб топиш жуда осон ва қулаи бўлиб қолди. Шу мақсадда шаҳардаги интернет-кафеларда ZiyoNet тармоғи хизматидан фойдаланилар.

Чегара билмас ахборот мақони ривожланаётган бугунги кунда ёш авлодни компьютер технологияларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш миллий қадриятларимизга содик, комил фарзандларни вояга етказиша мухим аҳамият касб этади.

**Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири**

Ижодий парвозга қанот

Инсоннинг маънавий камолотида санъат ва маданият мухим ўрин тутади. Яқинда қурилиб, фойдаланишга топширилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг янги биносида ўтказилган «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва санъат муассасаларининг ўрни» мавзуидаги анжуман ҳам айни шу мавзуга бағишиланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳайъат аъзолари ва кенг жамоатчиликни институтда яратилаётган имкониятлар ва қулаи шароитлар билан яқиндан танишириш, янги ўкув юртининг маданий-маърифий ҳаётимиздаги ўрнини мустахкамлаш мазкур тадбирнинг асосий моҳиятини ташкил этди.

Дарҳақиқат, қисқа муддат ичидан институт қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгари. Замонавий ўкув-лаборатория, саҳна ва компьютер жиҳозлари, шунингдек, мебел ҳамда инвентарлар билан тўлиқ жиҳозланди. Кенг ва ёруғ ўкув аудиториялари, ҳар бирини мўъжазгина театрга қиёсласа бўладиган маҳорат хоналари, хориждан келтирилган энг сўнгги технологиялар билан таъминланган суръатга олиш майдончалари, санъат ва санъатшуносликка доир нодир китоблар сакланаётган ахборот-ресурс маркази, истироҳат боғи, ўкув театри, сув спорти ҳавзаси ва бошқа иншоотлар талабалар ихтиёрида. Бу мажмуани том маънода санъат шаҳарасига қиёслаш мумкин. Анжуман иштирокчиларининг ушбу файзиб ё масканга ташрифи ҳам кутлуғ ва хайрли бўлди.

Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳайъат аъзолари ва маданий жамоатчиликни институт биносида тантанали кутиб олиш молосими билан бошланди. Сўнгра барча меҳмонлар ансамблъ куйи жўрлигига ўкув театрига қадам кўйишиди. Бу ерда йигилганлар эътиборига институтнинг янги биноси ҳақида маълумот берувчи маҳсус ҳужжатли фильм намойиш этилди. Даставвал сўзга чиқсан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Минҳожиддин Ҳожиматов қайд этганидек, «Президентимиз ташабbusи билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ташкил этилиши мада-

ни ҳаётимизда унтилмас воқеага айланди. Зотан, маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш, халқимизнинг эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак санъат асарларини яратиш ва шу орқали инсонларни олижаноб ғоялар руҳида тарбиялаш кўп жиҳатдан мазкур масканда таҳсил олаётган кадрларнинг салоҳияти ва иқтидорига боғлиқ. Таассуфки, глобаллашув феномени ниҳоятда кучайган бир даврда ҳақиқий маданият ва «оммавий маданият» тушунчаларини бир-бiriдан фарқлай олмаслик, нафосат ва гўззалик тажаллиси бўлмиш санъатни хусусий даромад во-ситасига айлантириш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқдаки, асл санъат жонкуярлари ўз ижод намуналари билан бундайин диқсизликка қарши курашиши, оммага санъатнинг туб моҳиятини тушунириб беришлари зарур.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев янги таълим муассасасида яратилаётган шарт-шароитлар, институт жамоаси билан эришилаётган ютуқлар ҳақида маълумот берди.

— Институтнинг янги биносини кўриб, кўзимда севинч ёшлари қалқиди, — дейди Юсуфхон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят музыкали комедия театри бадиий раҳбари Муҳаммадсоли Юсупов. — Гарчи ўзим анча йиллар аввали шу институтда таҳсил олган бўлсам-да, олдинги вазият билан ҳозирги имкониятларни бир-бiriiga таққослаб бўлмайди. Биз орзу қилган ўкув лабораториялари, театр студияларининг барчаси бу ерда мұхайё. Йўлак бўйлаб экилган анвойи гуллар ифори, атроф-жавонибни нурга, зиёга буркаётган опроқ чироқлар ёғдуси қалбга некбинлик баҳш этади. Энди институтнинг кўркини янада бойитиш учун ёшлардан тинимсиз изланиш, илм ва ижод талаб килинади.

Танишув жараёни якунига етгач, анжуман иштирокчилари алоҳида гурухларга бўлинниб, вазирлик тасаруфида амалга ошириш лозим бўлган режаларни муҳокама қилишиди. Тадбир сўнгиди барча меҳмонлар институт жамоасини янги бино билан яна бир карра табриклаб, ижодий фаолиятларида зафар ва муваффақиятлар тилашди.

**Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ,
ЎЗДСМИ талабаси**

Ma'naviyat

Harakatning hududiy kengashlarida

Чилонзор туманидаги «Навбаҳор» маҳалласида қад ростлаган «Камолот» футбол майдонида «Камолот» кубоги мусобақаси ташкил этилди. Унда туманда жойлашган умумтаълим мактабларининг 12-13 ёшли ўқувчилари ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган шу ёшдаги футболчилардан иборат жамоалар беллашди.

«Камолот» кубоги учун



Вояга етмаган ёшлар орасида футбол мусобақасини оммалаштириш мақсадида «Камолот» ёИХ Чилонзор тумани кенгаши ташаббуси ва «Махалла» хайрия жамоат фонди, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Софлом авлод учун» жамғармаси туман таянч маркази ҳамкорлигига ўтказилган мазкур мусобақада 112 та футболчидан иборат ўн сакизиста жамоа иштирок этди.

Олимпия тизими асосида ўтказилган турнирнинг финалида 217- ва 162-мактаб жамоалари беллашди. Натижада 162-мактаб жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида ўзбек эстрада хонандалари иштирокида театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилиб, жамоаларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди. Голиб жамоага эса «Камолот» кубоги билан тақдирланди.

Шунингдек, мусобақада «Энг моҳир дарвазабон», «Энг яхши ўйинчи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши химоячи», «Энг яхши мураббий», «Энг яхши ҳакам» номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири**

Адабиёт чорраҳасида ёшлар учрашуви



— Вой, чинорларнинг юксаклигини! Учига қарасанг, қалпогинг тушади, эркалаб кучсанг бағринга сифмайди-я! — дедим ҳайратланиб. Ёнимда Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрзбой Абдураҳмонов ҳам бор эди.

— Нимасини айтасиз, қизим? — деди у киши. — Менимча, улар ижод боғида униб-улгаяётгани учун шундай, савлатдор, серяпроқдир.

— Мана, ҳозир ўша «Дўрмон» боғидамиз-ку, устоз. «Истеъод мактаби» V Республика ёш ижодкорлар семинарида қатнашамиз, — дедим ҳаяжон билан. — Бундан чиқди, биз ҳам шу чинорлардек бақуват, сояли... бўлаоламиз. Шундайми?..

Ўрзбой оға самимий жилмайди. Менимча, у асл муддаомни тушунди.

— Агар сизни шу боғ, шу боғбон тарбияласа, албатта, бўласиз! — деди қатъий ва чинорларга ҳавас ила ўйчан кўз ташлади...

Мана ўша чинорли ижод боғида беш кундан буён семинардамиз. Бу ерга республиканизмнинг тури гўшаларидан иштироқчилар келган. Аллақачон бир-бirimiz билан дўстлашиб олганмиз. Уларнинг ҳар бири сирли, бир олам. Бири ажойиб шеър битса, бошқаси ҳикоялар ёзади, яна биттаси эса асарларни моҳирона таржима қиласди. Улар билан гаплашсанг, бисотингдаги сўзинг тугамайди, тунда киприкка сира уйқи илинмайди.

Одатдагидек, семинар пойтахт Тошкентнинг дикқатга сазовор жойларини кўришдан бошланди. Мустақиллик майдонида бетакрор истиқолимиз манзараларини кўрдик. Шунда юртимиз жамоли ҳақидаги янги асар, янги шеърлар хаёлларимизда битилди. Андижонлик дўстимиз Абдураҳим Абдиев бўлса, бу гўзалликни «Истиқол қиёфаси»га жойлади. Шеър кўпчиликни тўлқинлантириди. Шу тўлқин бизни Ўзбекистон Миллий боғига бориб, Алишер Навоий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Саида Зуннунова каби адабиёт дарғаларининг ҳайкаллари пойига гулчамбарлар кўяётганда ҳам бир зум тарк этмади. Бора-бора, тўлқиннинг юракка зарби ижодкор бўлиш-

дек эзгу ниятимизни кучайтириб юборди.

Ўзбекистон ёзувчилар ўюшмасида семинарнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ўюшма раиси, халқ ёзув-



чиси Муҳаммад Али ёш иштироқчиларга ижодий парвоз тилади. Бугунги адабиётимиз қиёфасини тасвирлаб берди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Сайид, таниқли ижодкор Рустам Мусурмон билан ижодий сұхbatлашдик. Эсадалик бўлсин, дәя расмга тушдик. Кечки овқатдан кейин Ўзбекистон халқ ёзувчisi Муҳаммад Али билан ижодий мулоқотда бўлдик. Ёзувчи бузга кўп ёзиш эмас, кўп ўқиши маслаҳат берди. Ада-

биёт ҳақидаги саволларимизга жавоб излаб, топдик.

Назм, наср, болалар адабиёти, бадиий таржима, бадиий публицистика, драматуругия йўналишларига бўлиндик. У ерда устозларимиздан энг катта ижод манбаи — маслаҳатлар олиб, фикримиз бойиди. Кечки овқатдаги гурнгимиз табиийки, бугунги машгулотлар ҳақида бўлди.

— Тўғри, билмаган нарсаларимиз ҳали анча, — деди сұхbatимизга қўшилди навоийлик тенгдошимиз, семинарда болалар адабиёти йўналиши бўйича қатнашадиган Зилола Файбулаева.

Болалар тилида ёзиш учун болаларни севиш керак экан. Машгулотда болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятларини ўргандим. Болалар дунёсида яшаш, ижод қилишим лозимлигини тушундим.

Фарғоналик Зебо Худойбердиевани яхши шеър ёзади, дәя мақташганини ёшитгандим.

— Зебо, шеър ўқинг, — дедим чиндан ҳам шеърият оламига сайдрга чоғланиб. Зилола «Онамга мактуб» шеърини таъсири қилиб ўқиб берди. Ҳаммамиз беихтиёр онамизни ёсладик.

Шу пайт хоразмлик Маъруф Менглиев сағимизга қўшилди. Уни бўлажак драматург Гулмира Польнова сўз билан бир чимшиб олди:

— Нечук ҳаялладингиз, оға?

Маъруф наср йўналишида «Кеча» ҳикоясининг муҳокамаси бўлганини, анча «қалтакланганини» айтиб бир кулдири.

Ҳикоямнинг сюжети тарқоқ экан, — деди у. — Кўпчиликни бирлаштирадиган фикрни топишим керак экан. Ёзувчи Улуғбек Ҳамдам, қаҳрамонни ҳаётдан қидиринг, ҳаёт энг катта ижод манбаи бўлади сизга, деди. Бу

ёғига бугунги ўргангандаримни амалда қўлламасам, мендан тузук ёзувчи чиқмайди...

Сұхbatимиз узоқ давом этди. Ташқарига чиққанимизда «Дўрмон»да оқшом эди. Нарироқда сувнинг шилдирган овози ёштилади. Чинорлар шамолда тебранади.

Ижод боғида яна қўёш чараклади. Тушгача машгулотда бўлдик. Тушлиқдан кейин эса Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига бордик. Кечқурун «Биринчи китобим» лойиҳасида китоблари чоп этилган ёш ижодкорлар билан учрашдик. Уларнинг ҳаяжони, қувончлари билан уртоқлашдик. Сўнгра Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг шеърларини тинглаб, маънавий дам олдик.

Ниҳоят, тансиқ меваадек тотли дамлар келди. Тақдирландик. Адабиёт йўллари очилди. Бу йўллар эса бизни ўз манзилимизга бошлади. Тўғри, кўзлар кўзлардан узоқлашди, аммо адабиёт чорраҳасида қалбимиз бир-бiriга туташди.

«Дўрмон»дан кетаётib, яна чинорларга қарадим. Чинорлар боғнинг чиройига чирой қўшиб, бугуннинг адабиёт куйини чалаётгандек эди. Бу кўй узоқ-узоқларга таралади.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Истеъод мактаби»
V Республика ёш
ижодкорлар семинари
иштироқчиси**

Зукко китобхон

Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши, турли газета ва нашриётлар ҳамкорлигига «Зукко китобхон» шоу-танлови ташкил этилди. Унда таълим муассасасининг ўқувчилари «Тафаккур», «Мезон», «Фикрат» жамоаларига бўлинган ҳолда беш шарт асосида ўзаро беллашди.

Шоу-танлов бошлангунга қадар ўқувчилар учун Fafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, «Akademnashr», «Muhammarr» нашриётлари ҳамкорлигига китоб ярмаркаси ташкил этилди.

— Танлов орқали ўқувчилар ўртасида китобхонликни жонлантириш, мутолаа маданиятини ошириш, ах-борот коммуникацион технология-

лар ёрдамида китобсеварликни тарғиб этишини мақсад қилган эдик, — дейди академик лицейнинг она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиши Дилбар Маннопова. — Натижа кутилганидек бўлди. Танловга иштирок этмаган ўқувчилар ҳам китобнинг ўз келажаги учун нақадар азиз неъмат эканлигини англашди. Жамоаларнинг нотиклик маҳорати, са-

волларга тезкорлик билан жавоб қайтариши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Ўзимиздаги барча яхши фазилатлар учун китобдан миннатдор бўлишимиз керак эканлигини англадим, — дейди «Тафаккур» гурухи сардори Эъзоза. — Ушбу танловга бир ой тайёрландик. Биринчи шартда радиоинсценировкани тинглаш орқали матн муаллифини топиб, бадиий гоясини ифодалаб бердик. «Зукко китобхон» шартида китобхонликка доир ҳикматли сўзлар, маънавий-маърифий тадбирларимиздан лавҳалар намойиш этилди. «Нотиклик санъати», «Бадиий асарлар асосида савол-жавоб» шартларида ҳам билим ва маҳоратимизни синовдан ўтказ-

дик. Шуни англадимки, ҳали кўп китоб ўқишишимиз керак экан.

Танловда мазкур таълим муассасасида малакавий педагогик амалиётни ўтаётган талабаларнинг бадиий чиқишилари ҳам кўтаринки кайфият баҳш этди. Тадбирда сўз олган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Омонилла Мадаев, «Тонг юлдузи» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ходимлари ўқувчилардан айни шундай юқори натижага кутишганини айтиб ўтишди.

Якуний натижаларга кўра, «Тафаккур» жамоаси голиб деб топилиб, ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатини кўлга киритди. Қолган иштироқчиларга нашриётларнинг энг сара асарлари тақдим этилди.

**Гулчехра АШУРОВА,
ЎзМУ талабаси**

Мард ўғлонлар маскани

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти фақат «В», «ВС» тоифадаги мутахассис ҳайдовчиларни тайёрлайдиган марказ бўлмай, балки ёшларни жисмонан соглом, маънан баркамол этиб, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби қатор йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Жарқўрғон тумани кенгаши ҳам ёшлар ўтасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон қудрати ва салоҳиятини мустаҳкамлаш ишларига муносиб хисса кўшмоқда. Ташкилот бундай кенг қамровли вазифаларни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жарқўрғон тумани кенгаши, «Нуронийлар» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигига амалга ошироқмада. Хусусан, турли байрам тадбирлари, спорт мусобақалари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар

юзасидан тарғибот учрашувлари ташкил этилаяпти. Тумандаги мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўтасида «Мустақиллик — олий неъмат», «Ватан она каби муқаддасдир», «Оила — муқаддас», «Одам савдоси», «Гиёҳвандликка қарши курашиш» каби мавзулар юзасидан давра сухбатлари ва тушунтириш ишлари олиб бориляпти. «Ватанпарвар» ташкилотининг туман кенгашида шу йилнинг тўқиз ойи давомида ҳалқ хўжалиги учун 350 нафар «В», «ВС» тоифадаги мутахассислар тайёрланди. Йўл ҳаракати қоидлари бўйича уч юз нафар техник мутахассис қайта ўқитилди.

Кейинги йилларда ташкилотнинг

моддий базаси ҳам мустаҳкамланиб, мактаб бинолари ва ўкув хоналари қайта таъмирланди. Замонавий ўкув кўргазмалари ва дастгоҳлари билан жиҳозланди. Ўкув автомобиллари қайта таъмирланаб, янги «Дамас» автомобили харид қилинди. Шунингдек, ташкилотда ҳаво милтиғидан ўтиш, варрак учириш ва ракета модели каби тўгараклар фаолият кўрсатиб келмоқда

Туман кенгашида ҳаво милтиғидан ўқиши (тир) хонаси курилиши ҳам бошлаб юборилди. Бу ишга қирқ миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, айни кунда замон талаблари асосида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Мақсадимиз ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига муносиб хисса кўшишдир.

**Абдураззоқ МУХТОРОВ,
Мудофаага кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти
Жарқўрғон тумани
кенгашининг ўкув-спорт
техника клуби бошлиғи**



Fidoyi vatandoshlar

дий ишига фикр билдирилар, аммо негадир менинг иншомга ортиқча изоҳ бермай, куруққина қилиб «яҳши» деб кўйдилар. Демак, яҳши ёзолмабман, деб роса хафа бўлдим. Бирданига кайфиятим тушиб кетди. Бу ҳолатимни синчков устозим дарҳол сездилар ва дарсдан кейин қолишимни айтдилар. Иккаламиз қолганимизда эса, иншони яҳши ёзганимни, фақат мени келажақда муаллим қиёфасида кўраётганликларини ва тилга бўлган салоҳиятимни юқори баҳолаб, келгусида инглиз тили ўқитувчи сибилиш мумкинлигини «башорат» қилдилар. Шундан кейин ўзим ҳам билмаган ҳолда, негадир, чет тили дарсига алоҳида ёндашадиган бўлдим. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқидим. Бу йил ўқишини тугатиб, Шаҳрисабз туманинаги 100-мактабга инглиз тили ўқитувчиси бўлиб келдим. Касбимни жуда яҳши кўраман. Усто зимдан ҳозиргача яҳши мураббий бўлиш сирлари ни ўрганиб келаяпман. Мен жуда баҳтиман. Яҳши кўрган ишим, қадропонларим, мени севадиган мактабим ва ўқувчиларим бор.

Дунёда сен учун энг буюк зот ким, деб сўрашса, онамдан кейин, меҳрмуҳаббати билан жажжи қўлимга қалам тутқазиб, илк бор ҳарф танитган устозимни айтган бўлардим, — дейди Гуландон Абдураҳмонова номи Тошкент давлат педагогика университети талабалари рўйхатидан жой олди. Унинг кўп йиллик орзузи амалга ошаётган эди.

Талабалик... Сизу биз билган талабалик. Шўхшодон дамлар, ҳаяжонлар, уй вазифалари, мустақил ишларга бахшида ўйқусиз тунлар. Буни қарангки, қаҳрамонимиз наздида бу йиллар худди бир неча кун ёхуд соат мисол тез ўтиб кетди. Бу ёфи муаллимлик. Ўзи истаган, орзу қилган, ёш юрагига илк ҳавас бўлиб жойланган кутлуғ касб!

— Гуландоннинг биринчи иш куни кечагидек эсимда, — дейди Шаҳрисабз туманинаги 88-мактабда узок йиллар сабоқ берган, устоз педагог Гулчехра Маннонова. — У

моддий базаси ҳам мустаҳкамланиб, мактаб бинолари ва ўкув хоналари қайта таъмирланди. Замонавий ўкув кўргазмалари ва дастгоҳлари билан жиҳозланди. Ўкув автомобиллари қайта таъмирланаб, янги «Дамас» автомобили харид қилинди. Шунингдек, ташкилотда ҳаво милтиғидан ўтиш, варрак учириш ва ракета модели каби тўгараклар фаолият кўрсатиб келмоқда

Туман кенгашида ҳаво милтиғидан ўқиши (тир) хонаси курилиши ҳам бошлаб юборилди. Бу ишга қирқ миллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, айни кунда замон талаблари асосида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Мақсадимиз ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига муносиб хисса кўшишдир.



Байрамдан Фойдаланмоқчи эди

Қанада аэропортида мамлакат полицияси қовоқ олиб кетаётган аёлни ҳибсга олди.

Маълумотларга қараганда, 26 ёшли Мерседес Херес Фариас исмли аёл байрам қовокларининг ичидаги гиёҳванд модда олиб ўтишга уринган. Қанадада одатда байрам совғалари текширилмайди. Буни яхши билган жиноятич учта қовоқ ичига икки килограммдан кўпроқ оғуни жойлади. Ҳушёр полиция ходимларидан бири аёлнинг совғаларини очмасдан, рентген қилишни сўрайди. Аввалига аёл рози бўлмади. Жинояти фош бўлган аёлнинг қайси мамлакат фуқароси эканлиги ошкор этилмаяпти. Полиция сўзларига кўра, у гиёҳванд моддаларни сақлаш ва ташишда айбланиб, икки йилга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Фойдали қарор

Мексика президенти Энрике Пенья Ньето ортиқча вазнга қарши кураш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мамлакат етакчиси семиришни эпидемия сифатида баҳолаб, унга қарши курашишнинг турли йўлларини ўз ҳалқига таклиф қилди. Унинг айтишича, кечки сайр ва жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиб туриш шарт. Мексика парламенти калорияли овқатлар ва ичимликлар ишлаб чиқарувчи ҳамда сотувчи ташкилотларга нисбатан солиқ микдорини ошириди. Мексика соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакат фуқаролари ўтасида мониторингни бошлайди. Ҳукумат фойдали сабзавот ва мевалар нархини пасайтириди.

Айни пайтда Мексикада ҳар ўнта кишидан еттитаси ортиқча вазндан азият чекмоқда.

Шўхлик деб ҳам бўлмайди

Франциядаги цирқдан мактаб ўқувчилари томонидан лама ўғирлаб кетилди.

Серж лақабли бу беозор жоноворни ўғирлаганлар у билан бутун Бордо кўчаларини айландилар. Ҳатто ламани трамвайга ҳам олиб чиқдилар. Трамвай ҳайдовчиши хабар берганидан сўнгина полиция ўғилар изидан тушди. Болалар жоноворни Бордо шахри марказида устунга боғланган ҳолда ташлаб кетдилар. Тартибузларни полиция кейинчалик кузатув камералари орқали топди. Айни пайтда Серж ўз қафасида. Ҳукумат цирк маъмуритига огохлантириш берди.

Хато тўғриланди

Япония пойтахти Токиода «McDonald's» ресторонларидан бири жиддий айбловдан сўнг, уйсизларнинг ресторанга киришини тақиқловчи беннерни олиб ташлади.

Рестораннинг талаби ёзилган беннер бир йил овқатланиш муассасаси эшигидаги осигурилганлар турди. Беннерда «Биз шахсий гигиена қоидаларига риоя этмайдиганлар ва уйсизларга хизмат кўрсатмаймиз» деб ёзилган эди. Ресторан менежерининг тан олишича, у беннерда таҳқирловчи сўз борлигини билмаган, билганда кўймаслигини айтиб, узр сўради.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

